



## ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА АГРОБИЗНЕСНИ ТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ёқубжонов Иброҳим Ғолибжон ўғли

НамДУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7491131>

### ARTICLE INFO

Received: 19<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 28<sup>th</sup> December 2022

Online: 29<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Агробизнес тузилмалари,  
тадбиркорлик фаолияти,  
қишлоқ хўжалиги, хўжалик  
юритувчи субъектлар,  
механизм, хорижий  
тажриба, ишлаб чиқариш.

### ABSTRACT

Мақолада мамлакатимиздаги хусусан Фарғона водийси вилоятларидаги мавжуд аграр тармоқ салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳудудларидаги ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиб, ҳудуддаги тадбиркорликда тузилмалари таркибида саноат улушини ошириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган янги турдаги агробизнес тузилмаларини ташкил қилиш, ҳамда уларнинг фаолиятига жаҳон тажрибасидаги энг самарали хисобланган агробизнес тузилмалари фаолиятини ўрганган ҳолда, иқтисодий таъсирчан бўлган инструментларини жорий қилиш бўйича амалий таклиф ва тавсияларимиз бериб ўтилган. Хусусан Америка, Европа ҳамда бошқа кўплаб мамлакатлардаги қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмлари ва бу механизмлардан самарали фойдаланган ҳолда миллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини қўллаб қувватлаш механизмлари бўйича ўрганишлар олиб борилиб, бу ўрганишларни локализациялаштириш масаласига тўхталиб ўтилган. Ҳозирги кунда фаолият юритаётган агрокластерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатиш йўналишини ўзгартириш жумладан, қўшимча хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкил қилиш ҳамда унинг фаолият технологияси ишлаб чиқилган. Шу билан бирга қишлоқ ҳудудларидаги аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда уларни яшаш шароитларини яхшилашга қишлоқ ҳудудларининг ўзидан кичик хажмли аграр тармоқда етиштирилган



*маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш кучларини ишга тушириш борасида тавсиялар бериб ўтилган.*

**Адабиётлар шарҳи.** Ушбу мақоламизда жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғини қўллаб қувватлаш механизми ўрганган ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган бир қатор олимларнинг илмий мақолаларидан фойдаланилди. Хусусан Очиллов Н.Ф. нинг “қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили” номли мақоласида Европа иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш давлат субсидияси механизмининг қўлланилиши ҳақидаги маълумот берилган. Насруллаева Т.Д.нинг “Стратегические приоритеты развития кластеров в АПК региона” номли мақоласида қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий аҳволини яхшилашдаги агробизнес тузилмаларидан фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси борасидаги ишлар таҳлил қилинган. Милосердов В.В. нинг “Многоукладная экономика АПК: состояние и перспективы” номли мақоласида Европа Иттифоқи мамлакатлари агрокластерлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалигида, хусусан, чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ўртасида кооперациялашувни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинган.

Ахмедова Ж.А. ва Юсупова П.С.нинг “зарубежный опыт достижения конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции” номли мақоласида Финляндия қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперативларни шакллантириш орқали агробизнес субъектларининг хўжалик фаолияти юритиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш борасида таҳлиллар олиб борилган. Абдиев М. Ж.нинг “Основные направления агропродовольственной политики Кыргызской Республики в условиях интеграции в Евразийский экономический союз” номли мақоласида “жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишда агросаноат интеграцион бирлашмаларини ташкил этишнинг шартномавий шаклидан фойдаланиш” борасидаги илмий таҳлиллар олиб борилган.

### **Кириш.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг фаолиятини диверсификациялаш тармоқда қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўшилган қиймат занжирини янада такомиллаштириш борасида ҳукумат томонидан йирик кўламдаги лойиҳалар мажмуаси ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда. Камбағалликни қисқартириш борасидаги хусусан қишлоқ ҳудудларидаги камбағалликни



қисқартиришдаги амалий ишларимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги давлат дастурлари, президентимиз томонидан чиқарилаётган қарор ва фармонлар ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган амалий чора тадбирларимиз билан умумийлик касб этади. Камбағалликни қисқартиришда агробизнесдан фойдаланиш борасидаги хориж тажрибасидан унумли фойдаланиш ҳамда бу тажрибаларни мамлакатимиз миллий хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳудудлар кесимидаги тадрижий тавсифларини инobatга олган ҳолда ҳудудларга мослаштириш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Бизнинг илмий ишимизда қишлоқ қишлоқ ҳудудларида агробизнесни ривожлантириш борасидаги хориж тажрибаси ва унинг мамлакатимизда қишлоқ камбағаллигини қисқартиришга тадбиқи ўрганилган ва Наманган вилояти мисолида амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган ҳамда юзага келган муаммоларга ўзимизнинг илмий асосланган ечимларимиз бериб ўтилган.

## **Асосий қисм**

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини жаҳондаги қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги даражасида ривожлантириш учун мамлакатимиз хусусан Наманган вилоятида етарли имкониятлар мавжуд. Миллий қишлоқ хўжалигимизнинг асосий локомативини ташкил этадиган хўжалик юртурувчи субъектлар фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳисобланади. Уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳисобланган хусусий тармоқ агрокластерлар хизмат кўрсатиш сифатини талаб даражасида таъминлай

олмаяпти десак ҳақиқатни гапирган бўламиз. Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг ўзлари эса фаолиятларини самарали олиб боришлари учун етарли моддий-техник базасига эга бўлиш учун моддий имкониятлари чекланган. Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларига сифатли агробизнесларни кўрсатишга фаолияти йўналтирилган агробизнес тузилмаларини фаолиятини жадал ривожлантириш учун аграр тармоқда етарли даражада инфратузилмавий объектлар мавжуд эмас деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаблари сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

1. Ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркорлик тузилмалари ўртасида бозор муносабатлари тўла жорий этилмаган;
2. Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларига хизмат кўрсатувчи агрокластерларнинг жавобгарлиги назоратга олинмаганлиги ва хўжаликларга хизмат кўрсатишдан моддий манфаатдорлик мавжуд бўлмаганлиги учун хизмат кўрсатишга умуман этибор қаратилмайди;
3. Хўжаликларга хизмат кўрсатиш бозорида эркин рақобат муҳити яратилмаган ва бунинг натижасида уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар инвестициялар билан етарли даражада таъминланмаяпти.
4. Ишлаб чиқариш кучлари фақат бир жойда, агрокластерларнинг ўзларида тўпланганлиги учун қишлоқ ҳудудларининг ўзида ишлаб чиқаришга ва инфратузилмага инвестициялар оқими кириб келиши таъминланмади. Бу муаммоларни бартараф этиш учун олдимизда ҳал қилиниши керак бўлган вазибаларни аниқлаштириб олиб



уларга уларга илмий асосланган ечимлар бериш бизнинг мақсадимиз ҳисобланади. Агробизнесни ривожлантириш ва ундан камбағалликни қисқартиришда фойдаланиш айниқса қишлоқ ҳудудларидаги камбағалликни қисқартиришда унумли фойдаланишда Водий вилоятлари хусусан Наманган вилоятида етарли имкониятлар мавжуд. Албатта қишлоқ ҳудудларида агробизнес тузилмаларини ташкил этишни қўллаб қувватлаш ва уларни фаолиятини ривожлантириш камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги амалий сай-ҳаракатларимизнинг натижадорлигини ошириш учун ҳорижий тажрибада агробизнес тузилмаларини ривожлантириш тенденцияларини кўриб чиқиш ҳамда улардан миллий хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда камбағалликни қисқартиришда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш жаҳондаги хар-бир ривожланган хусусан аграр тармоқ орқали ривожланиш йўналишига урғу бераётган мамлакатларнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш асносида мамлакатимиз иқтисодиётига қишлоқ хўжалигининг кўшаётган ҳиссасини ошириб бориш тармоқнинг энг устувор вазифаси деб қарашимиз мумкин. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун дастлаб қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин тутадиган агробизнес тузилмалари фаолиятини қўллаб қувватлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агробизнес тузилмаларини қўллаб қувватлашнинг

хориж тажрибасига этибор қаратадиган бўлсак хар-бир мамлакатнинг ўзининг махсус қўллаб қувватлаш тенденциясига эга. Мисол қилиб келтирадиган бўлсак қуйидаги жадвалда жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш механизмлари келтириб ўтилган.

1-жадвал. Айрим мамлакатларда қишлоқ хўжалиги давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг устувор йўналишлари<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Об изменениях в порядке предоставления субсидий производителям сельскохозяйственной техники. Электрон. Тестовые дан. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://m.government.ru/docs/33993/> (дата обращения: 07.07.2020 г.), своб. – Загл. с экрана; Юнусова П. С. Создание региональных научно-инновационных и производственных кластеров для модернизации аграрного сектора экономики / П. С. Юнусова // Материалы IX Международной научно-практической конференции «Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и социально-экономическая политика региона» (Махачкала, 5 декабря 2018 г.). Махачкала, ИСЭИ ДНЦ РАН. – 2018.; <http://www.fao.org/faostat/ru/#data> маълумотлари асосида ОЧИЛОВ Н.Ф. томонидан тузилган.



Мамлакат	Давлат томонидан амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурлар*
Европа иттифоқи мамлакатлари (ўрта ҳисобда)	<ul style="list-style-type: none"><li>- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 298 АҚШ долл. ажратилади;</li><li>- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш (етиштириш) учун сарфланган харажатларнинг 50 фоизи давлат субсидияси ҳисобидан қопланади;</li><li>- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чакана нархларини давлат томонидан белгилаш;</li><li>- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини давлат томонидан субсидиялаш;</li><li>- маҳаллий фермерлар учун ўз маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўртача нархдан пастроқ нархда сотиш имконини берувчи компенсацион тўловлар ва тенглаштирилган солиқ сиёсатини амалга оширилиши. Бу турдаги дастурлар Европа иттифоқи мамлакатларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлай олиш имкониятини (масалан, буғдой – 177 фоиз, шакар – 95 фоиз, сут ва сут маҳсулотлари – 120 фоиз, мол гўшти – 109 фоиз) сезиларли даражада оширди</li></ul>
Финляндия	- фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 71 фоизни ташкил этади.
Франция	- ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи кафолатланган даражадан арзонлашганда, фермерлар учун маҳсулот ишлаб чиқариш (етиштириш), сақлаш ва қайта ишлаш учун сарфлаган харажатларига мос равишда компенсацион тўловлар амалга оширилади; - хориж мамлакатларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишга қарши протекционизм сиёсати қўлланилади, жумладан, юқори белгиланган харид нархлари, божхона тўловлари каби чоралар шулар жумласидандир
Швеция	- ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг 73 фоизи давлат бюджетидан субсидияланади; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 59 фоизни ташкил этади
Япония	- ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг 90 фоизи давлат бюджетидан субсидияланади; - мамлакат ҳудудига гуруч импорт қилиш қатъий таъқиқланган; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 75 фоизни ташкил этади
Исроил	- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 473 АҚШ долл. Ажратилади



АҚШ	- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 324 АҚШ долл. ажратилади; - қишлоқ хўжалиги ривожлантиришга 2018-2019 йилларда ўрта ҳисобда 59,5 млрд. долл. ажратилган; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 30 фоизни ташкил этади
Канада	- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 180 АҚШ долл. ажратилади; - сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг 90 фоизи давлат бюджети томонидан дотацияланади; - аграр соҳани ривожлантиришга давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши 26 фоизга тенг
Россия	- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 110 АҚШ долл. ажратилади; - фермерлар учун ажратилган кредитлар фоизининг маълум бир қисми давлат субсидияси асосида қопланади; - қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун техник воситалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар учун харажатларининг 25-30 фоизи давлат субсидияси ҳисобига қопланади.

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики қишлоқ хўжалигини давлат томонидан субсидиялаш механизми асосида қўллаб қувватлаш жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг энг таъсирчан қўллаб қувватлаш механизми ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш таббий омиллар билан бевосита боғлиқ бўлганлиги учун риск даражаси энг юқори бўлган фаолият турларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш борасида фаолият юритаётган энг асосий субъектлар фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари эканлигини ҳисобга олиб, уларни қўллаб қувватлашнинг самарали механизмларини жорий қилишимиз керак.

Европа иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш давлат

субсидияси механизмига асосланади. ЕИга аъзо мамлакатлар фермерлари томонидан ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг ўрта ҳисобда 50 фоизи давлат субсидияси асосида қопланади. Шунингдек, ушбу мамлакатлар гуруҳида маҳаллий фермерлар учун ўз маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўртача нархдан юқорироқ нархда сотиш имконини берувчи компенсацион тўловлар ва тенглаштирилган солиқ сиёсати амал қилади. Амалга оширилган ислохотлар натижасида бугунги кунда ЕИга аъзо бўлган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши билан бир қаторда, ички истеъмол бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиқ ўзини-ўзи тўйинтира олиш имкониятига эга бўлди<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Очилов Н.Ф. Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хориж



Европа иттифоқида аъзо мамлакатлардаги етиштирилган маҳсулотга нисбатан қўлланилаётган компенсацион тизимнинг таъсирчанлик даражаси ҳам юқори ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нарх динамикаси йиллар кесимида сезиларли даражада тебранувчан ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси ҳамда иқтисодий тизимнинг бюджет имкониятларини ҳисобга олиб ушбу чора-тадбирлар мажмуасини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳаражатлари билан етиштирилган маҳсулотнинг бозор нархида сотилган умумий қиймати орасидаги тафовутнинг миқдорини камайтириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан шуғулланувчи тадбиркорларни фаолиятини давом эттиришга рағбатлантириш ҳамда маҳсулот етиштириш жараёнида зарар кўриш риск даражасини камайтириш бўйича молиявий қўллаб қувватлаш тизимини жорий этиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни фаолиятларини ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Хар-бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб қувватлаш бюджетдан катта миқдорда пул маблағлари сарфланишига олиб келади. Шунинг учун ушбу молиявий қўллаб қувватлаш механизмларини қуйидаги 2 хил йўналиш бўйича тадбиқ

этиш ҳозирги давлатнинг молиявий имкониятлари чекланган даврда самарали ҳисобланади.

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни бир мавсум мобайнида маҳсулот етиштиришдан кўрган зарарларининг пул эквивалентидаги миқдорини қоплашга йўналтириладиган субсидиялаш механизми. Бу субсидиялаш механизми орқали фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланган фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг фаолиятлари қўллаб қувватланади. Бу хўжаликлар маҳсулот етиштиришга кетган ҳаражатларини ҳисоблаб ундан кўрган зарарларини исботлаб беришсагина уларга кўрган зарарларини субсидиялаш имтиёзи берилади. Бу механизм қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчиларни маҳсулот етиштиришга бўлган рағбатини сўндириб юбормасликлари учун қўлланилиши лозим.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда юқори самарага эришган хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб қувватлаш механизми. Бу механизм орқали белгиланган миқдордан ортиқ маҳсулот етиштираётган хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб қувватлаш ҳамда бу орқали уларни мавжуд тажриба ва сохага оид амалий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга эришилади. Шу билан бирга бу молиявий қўллаб-қувватлаш механизми барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни фаол бўлишга ундовчи омил бўлиб хизмат

тажрибасининг қиёсий таҳлили. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2021, 6 (142).



қилади. Албатта ушбу молиявий қўллаб-қувватлаш механизми уларнинг фойдаланишаётган ерларининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

### **Хулоса.**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи ҳар-бир тадбиркорлик субъекти ёки жисмоний шахслар ўзлари эркин равишда бозордаги мавжуд хизматлардан фойдаланиш имконияти ўз фаолиятларида уларга бир қатор авзалликларни беради:

-бозор механизмлари тўла амал қилувчи эркин хизматлар бозорида сифатли, тезкор маҳсулот ва хизматлардан фойдаланишлари натижасида етиштирилаётган маҳсулотларининг миқдори ҳамда сифати ортишига олиб келади.

-рақобат муҳити мавжуд бўлган хизматлар бозорида фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг харажатлари камайишига ва бу омил билан уларнинг даромадлари ортишига олиб келади;

-хизматлар бозоридаги юқори рақобат муҳити улар ўзларининг фаолиятларига аграр тармоқда юқори малакали кадрларни жалб қилишига олиб келади. Натижада хизмат кўрсатиш сифати ҳам ортиб боради;

Қишлоқ хўжалигидаги хўжалик юритувчи субъектларга Хизматлар соҳасидаги маҳсулотларга бозор талабининг ортиши натижасида хизматлар бозорида ҳам бир қатор имконият ва афзалликларни яратади.

-Бозор талабининг ортиши натижасида ҳудуддаги кўплаб меҳнат ресурсларини даромадли иш ўринлари билан таъминланишига эришиш мумкин;

- Хизматлар соҳасидаги тадбиркорларнинг даромадлари бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланаётган корхоналарнинг даромадлари билан тўғри пропорционал бўлиб, бу хўжаликларнинг даромадларини ўсиши албатта хизматлар соҳасидаги тадбиркорларнинг даромадларини ортишига олиб келади. Уларнинг даромадлари ортиши эса бозорда эркин рақобат муҳитини мавжудлиги сабабидан бозорга янги хизмат кўрсатувчи субъектлар пайдо бўлишига олиб келади. Янги пайдо бўлган тадбиркорлик субъектлари тармоқни қўшимча инвестициялар билан таъминлайди;

-Шаффоф ва сифатли хизматлар бозорида мавжуд тадбиркорлик субъектлари томонидан хизмат кўрсатилиши натижасида турли-хил моддий имкониятдаги хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлади. Бу эса хизматлар бозорининг бир неча турдаги сифат даражасидаги кўринишлари пайдо бўлишига олиб келади. Чунки моддий имконияти юқори бўлган маҳсулот етиштирувчилар юқори самара берадиган хизмат турларидан фойдаланишга ҳаракат қилишга интилишади. Табиийки сифатли, самарали хизмат турларининг нарҳи ҳам қиммат бўлади. Бундан келиб чиқиб хизмат кўрсатувчи субъектлар учун юқори даромадли хизмат тармоқлари пайдо бўлади;

-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланаётган корхоналар (фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари) даромадларининг



ортиши ушбу кўрсатилётган хизматлар  
бозоридан фойдаланиш кўламини

ортишига

олиб

келади.

## References:

1. Юнусова П. С. Создание региональных научно-инновационных и производственных кластеров для модернизации аграрного сектора экономики.
2. Очиллов Н.Ф. Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2021, 6 (142).
3. <https://www.agroprod mash-expo.ru/ru/ui/17151/>.
4. Насруллаева Т.Д. Стратегические приоритеты раз вития кластеров в АПК региона / Т.Д. Насруллаева // Вопросы структуризации экономики. – 2010. – № 1. – С. 174–177.
5. Милосердов В.В. Многоукладная экономика АПК: состояние и перспективы // АПК: экономика, управ ление. – 2012. – № 2. – С. 10–21.
6. Юсупова П.С., Ахмедова Ж.А. Зарубежный опыт достижения конкурентоспособности сельскохозяй ственной продукции. Региональные проблемы пре образования экономики, № 2, 2019. С. 21-27.
7. Абдиев М. Ж. Основные направления агропродовольственной политики Кыргызской Республики в условиях интеграции в Евразийский экономический союз // Общество и экономика. – 2017. – № 3, 4. – С. 136.
8. Sirojiddinov K., Mirsoliev A. DEVELOPMENT OF EXPORT POTENTIAL OF AGRICULTURAL PRODUCERS IN THE CONTEXT OF ECONOMIC INTEGRATION.
9. Сирожиддинов К. И. ВОПРОСЫ НАРАЩИВАНИЯ ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА АГРАРНЫХ ПРОИЗВОДИТЕЛЕЙ //Приоритетные векторы развития промышленности и сельского хозяйства. – 2021. – С. 391-397.
10. Сирожиддинов К. И., Ботирова Р. А. АГРОМАРКЕТИНГ В УСЛОВИЯХ УСИЛЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА.
11. Сирожиддинов К. И. АКТУАЛЬНОСТЬ УСИЛЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ АГРАРНОГО СЕКТОРА РЕГИОНОВ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА //Экономика и социум. – 2020. – №. 4. – С. 871-876.
12. Сирожиддинов К.И. Наманган вилоятида аграр соҳанинг ривожланиши тенденциялари таҳлили иқтисод ва молия – 2015.-№. 4. – 61-66 бет.
13. Sirojiddinov Kamoliddin Ikromiddinovich| OPPORTUNITIES FOR DEVELOPMENT OF THE AGROLOGISTICS SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. NeuroQuantology | November 2022 | Volume 20 | Issue 18 | Page 179-189 | doi: 10.14704/nq.2022.20.18.NQ880022.